



## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРНИ СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Рўзимуродов Сирож Мадатович

Самақанд давлат университети

“Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси доценти

Саттаров Иъномжон Одилбай ўғли

Самақанд давлат университети магистранти

**Аннотация:** Маҳолада ўзбек оиласининг жамиятда тутган ўрни фалсафий тадқиқ этилган. Унда соглом турмуши тарзини шакллантиришига қаратилган маҳалланинг роли, аждодларимизнинг таълим-тизимида эришган ютуқлари ўрганилган. Ижтимоий тараққиётда оила бевосита маҳалла билан уйгуналашиб кетган тизим эканлиги миллий қадриялар негизида таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Оила, фарзанд, тарбия, маънавият, қадриялар, ота-она, маҳалла, анъана.

**Аннотация:** В статье философски проанализировано место занимаемое узбекской семьей в обществе. Изучено влияние роли махалли на формирование здорового образа жизни и успехи достигнутые нашими предками в образовательной системе. Осуществлен анализ семьи и непосредственно махалли в свете национальных ценностей как гармонизированной системы в социальном прогрессе общества.

**Ключевые слова:** Семья, ребенок, воспитание, духовность, ценности, родители, махалля, традиции, культура, наследие, молодежь, .

**Abstract:** The article focuses on the philosophical role of the Uzbek family in society. The role of mahalla in the formation of a healthy lifestyle, the achievements of the educational system of our ancestors have been studied. In the social development, the fact that the family is directly aligned with the mahalla has been analyzed on the basis of national values.

**Keywords:** Family, child, upbringing, spirituality, values, parents, mahalla, custom.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлаш ва ҳар жиҳатдан баркамол авлод ва комил инсон тарбиясига боғлиқдир. Бугунги глобаллашув даврида ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя этишда уларни миллий маънавий қадрияларимизни ва шарқона маданият асосида тарбиялаш муҳум аҳамият касб этади ва шу билан бирга юртимизда жуда қадим замонлардан буён тарбия маскани сифатида оиласи мұқаддас ҳисоблаб келган. Азалдан юртимизда оила мустаҳкам, унинг аъзолари тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келишини билганлар. Бугунги кунда жамиятимизни хар қандай соҳасида глобаллашув жараёни юзага келмоқда. Жаҳонда кечеётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари бир томондан, халқлар ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлашишига, умуминсоний қадрияларнинг шаклланишига имкон берәётган бўлса, иккинчи томондан, миллий маданиятлар ва этноаъналарнинг унификациялашувига, ассимиляциялашувига сабаб бўлмоқда. Ўзбек оиласи эса ўз этноаъналари, тарихий-маданий тажрибаларини устун қўяди, уларга таянади. Мазкур парадигмал фарқ бир-бирларининг яшаш тарзини қабул қилавермасликин келтириб чиқаради. Глобаллашув тушунчаси кўп киррали тушунча бўлиб, кенроқ маънода – бу миллий ва минтақавий муаммоларнинг умумжаҳон муаммоларига ўсиб ўтиши ва янги хўжалик, ижтимоий ва табиий-биологик глобал мухитнинг шаклланишидир. Аниқроқ маънода эса – бу иктисодий ва хўжалик тузилмаларининг трансформацияси бўлиб, яхлит ва ягона жаҳон геоиктисодий воқелигига айланишидир. Глобаллашувнинг аниқ соҳалари сифатида – илмий-техник технология, ахлоқий-этик қадриялар (глобал этика), халқаро хавфсизлик ва барқарорликка ҳам ҳисобланади.

Шу асосда эртанги кун тараққиёти учун оила ва фарзанд тарбиясига алоҳида аҳамият қаратганлар. Оиланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ролини, айниқса, фарзандлар тарбиясини





Президентимиз Шавкат Мирзиёев тушунтириб берар экан, «Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда» (1-505), деб таъкидлайди. Жамиятнинг мустаҳкамлиги, осойишталиги оиласидаги тинчлик-хотиржамликка, давлатнинг соғлом турмуш тарзи эса оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган самимий муносабат, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ бўлган. Оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялаш эмас, балки жамиятда ўз ўрнини мустақил топишига шарт-шароит яратиб беришдан ҳам иборатдир. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов соғлом болани аввало соғлом муҳит шаклланган оиласида камол топишини қуидагича тушунтириб ўтади. “Биз оиласи ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиласиз. Катталарга хурмат, кичикларга иззат одамийлик меҳр-оқибат, ўз ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олийжаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади ” (2-77). Жамиятда обод турмушни камол топтиришда соғлом тафаккур, соғлом дунёқарашни шакллантириш бевосита оилавий муҳит билан боғлиқдир.

Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ. Маҳалла оиласидан ташкил топади. Маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчисидир. Ёшлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаларидан бири маҳалладир. Ёш авлод тарбиясига ҳам барча маҳалладагилар масъулдирлар. Маҳалла ёшларни касб-хунарга йўлловчи макондир. Маҳалла – оила тинч-тотувлигини, жиспслигини мустаҳкамлайдиган маскандир.

Маҳалланинг устунлиги шундаки, бу ерда кўп йиллар давомида бирга яшаган, бир-бирини билган, синаган, таниган кишилар истиқомат қиладилар. Улар ҳар бир оиласидаги муҳитни ва ҳар бир бола тарбиясини, ота-онасини маҳаллада тутган ўрни ва обрў - эътиборини, ҳар бир оиланинг мавқе-имкониятларини яхши биладилар. Маҳалла оиласидан ташкил топади. Фарзанд(3)лар оила бағрида камол топганлиги, нурли келажак сари интилади. Керак бўлса, маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, таянчидир.

Шарқ халқлари, чунончи, ўзбек халқи ҳам соғлом турмуш тарзининг моҳиятини яхши тушунади, теран маъно – мазмунини чуқур англайди.

Дарҳақиқат, шарқ халқлари учун муҳим хусусият хурсандчилик кунлари ҳам, бошига иш тушган онларда ҳам бир – бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлишдир. Инсонлар ўртасидаги бундай бирлик ва ҳамжиҳатликнинг асоси оиласида маҳаллада шаклланади. Оиласида аввало ота-онанинг ўз фарзандлари тарбиясида шахсий ўрнак, ибрат, намуна бўлиши муҳим мезон саналади. Ота-онанинг оиласидаги хулқ-атвори, муомала маданияти, юриш-туриши фарзандлари маънавий тарбиясининг шаклланишида асосий ўринни эгаллади. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, миллий-маънавий қадриятларга юксак эҳтиромда бўлиши, юксак умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак. Мана шундай ижобий хислатларга эга бўлган фарзандларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, қадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида: “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик





жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи алоҳида таъқидланади”(4-203). Шунинг учун ҳам оиласаги ахлоқий муҳит кишилик жамиятида мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларнинг энг қадимийси ва энг муҳими бўлиб, нафақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Бугунги кунда жамият тараққиётидаги оиланинг ролини ошириш ва ҳуқукий асосларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63- моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга....” ва 64-моддасида эса “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар....” (5-21) – деб кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига ва ҳуқукий томонларга риоя этишлари, миллий-маънавий қадриятларга юксак эҳтиромда бўлиши, юксак умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак.

Бинобарин, маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиши дастлаб оила ва маҳаллада амалга оширилади. Инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар - эзгулик, яхшилик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик кабиларнинг барчаси оиласдан бошланади. Оила ёшларни ахлоқ-одоби, ростгўй меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етиши учун замин тайёрлайди.

Оила ва маҳалла шундай бир муқаддас маконки унда инсонлар бир-бирлари билан опасингил, ака-ука, қуда-анда, дўст-биродар бўлиб, бир хонадон тарбиясида ҳам барча маҳалла аҳли масъул, ютуқлар ҳам камчиликлар ҳам халқимизда «Отанг –маҳалла, онанг - маҳалла» деган нақл бежиз айтилмайди.

Мустақиллик туфайли маҳаллаларни ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 1992 йил 12 сентябридаги фармонига кўра «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 17 сентябрдаги 489 – сонли «Республика Маҳалла хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарори, 1993 йил 2 сентябрда ва Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун асосида маҳалланинг мақоми мустаҳкам ҳуқукий асосга эга бўлди.

Маҳалла – тарбия ўчоги. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир боланинг ахлоқ –одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам «Бир бола тарбиясига етти ота-она» каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши баркамол инсонни тарбиялаб етиширишнинг негизидир. Агар бола етмиш фоиз маълумотни беш ёшгача оладиган бўлса, шахс маънавиятини шаклланишида оиланинг аҳамияти нечоғлик катта эканлиги намоён бўлади. “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг баҳту-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин баҳту-саодат фақат бойлик, молу-мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”(6-55-56). Шу ўринда хулқ одоби яхши ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир. Ноқобил ахлоқан номақбул фарзанд эса – маҳалла учун қора доғдир. Маҳалладан юрга таникли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлод –аждодлари ғурурланадилар. Агар ҳалқ душманлари чиқсалар, шу маҳалла тарихи, бугуни ва эртаси учун ҳеч ким қайфурмайди. Бундай маҳалланинг ҳар бир фуқароси, «мен шу маҳалладанман» дейишга ор қиласди.





Маҳалла тартиб қоидаси, қадриятларига барчанинг амал қилиши шартдир. Маънавий-ахлокий тарбия маҳаллада шаклланади ва равнақ топади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев тақидлаганидек, “Маҳалла институти шунинг учун чин маънода халқнинг жойлардаги маслакдоши ва кўмақдошига, «адолат тарозиси»га айланиши одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди” (7-59) деб тушунириб берар экан, бу борада катталар ўрнак, намуна ва ташаббускор бўлишлари лозим.

Маҳалла-оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир. Табиийки, оилада, баъзан арзимаган нарса туфайли жанжал чиқиши ва бу ҳақда эр ёки хотин маҳалла қўмитасига мурожаат этиши лозим. Улар яраштириш ишларини олиб борган ҳолда, бу жанжаллар фарзандлар тарбиясига ниҳоятда, оғир таъсир этишини, уларнинг келажагига таъсир этишини уқтириб боришлари керак. Чунки бола уйида кўрганини қилади ва амал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қилинадиган ишлар маҳалла билан оила ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Болалар маҳаллага ҳурмат, у ерда истиқомат қилувчиларга нисбатан яқинлик, меҳр – оқибат руҳида тарбияланадилар. Маҳалланинг тўй – маъракаларида ўзларининг ота – боболарига ўхшаб елкадош, бироннинг оғирини енгил қилишга шай бўлиб ўсадилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: 1-жилд, Ўзбекистон, 2018. 505-бет.
2. Амалга оширилаётган ислоҳатларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент И.А Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. 2014 й. 77 бет.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг“Халқ билан мулоқат ва инсон манфатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини урганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент Маънавият 2017 й 203 б
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 21-бет.
5. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
6. Kattakulovna, T. S., Khudoiberdievich, T. B., Evatovich, R. A., Norkulovich, J. B., & Buriniyozovna, E. S. Increasing protection of the rights and interests of youth in Uzbekistan.[Electronic Resource]. URL: <https://philosophicalreadings.org/2021-13-4/>(date of access: 15.06. 2022).
7. Turabova K. K., Turabova S. K. THE ROLE OF SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC AND CREATIVE ABILITIES AND PROFESSIONAL SKILLS //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – Т. 2. – №. 06. – С. 167-170.
8. Mamasaliyev, Mirzoulug‘ Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
9. Akhmedov, Bekzod Abdirahmonovich HISTORY OF KARAKUL INDUSTRY IN UZBEKISTAN // ORIENSS. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/history-of-karakul-industry-in-uzbekistan> (дата обращения: 02.12.2022).

